
Хотин-қизлар фаоллари “Заковат”да жам бўлди

Ўзбекистон тумани маҳаллаларида фаолият кўрсатувчи хотин-қизлар фаоллари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказилди.

Туман оила ва хотин-қизлар бўлими ташаббуси билан ташкилланган танловда иштирокчилар секторлар кесимида тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро беллашдилар.

Таъкидланишича, ўйинда мантиқий, тарихий ва бошқотирма саволлар билан бирга ходимларнинг соҳага оид қонунчиликдан қанчалик хабардор экани ҳам синовдан ўтказилди.

Беллашувлар якунида 1-сектордан тузилган “Тараққиёт” жамоаси ғолибликни қўлга киритди.







2024-07-05 09:48:03